

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ЭШОНОВ ШАРОФ НУРОВИЧ

**ОРОЛ БҮЙИ МИНТАҚАСИДА СУРУНКАЛИ БҮЙРАК КАСАЛЛИГИ
ТАРҚАЛГАНЛИГИ ВА УНИНГ АВЖ ОЛИШИДА ХАВФ ХАТАР
ОМИЛЛАРИНИ ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БҮЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ(PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ -2025

Фалсафа доктори (PhD) Диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление авторефераата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation the abstract of doctor of philosophy (PhD)

Эшонов Шароф Нурович

Орол бўйи минтақасида сурункали буйрак касаллиги тарқалганлиги ва
улинг авж олишида хавф хатар омилларини хусусиятлари..... 3

Эшонов Шароф Нурович

Особенности распространенности хронической болезни почек её
факторов риска развития в регионе
Приаралья..... 24

Eshonov Sharof Nurovich

Features of the prevalence of chronic kidney disease and its risk factors in the
Aral Sea region..... 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 50

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ЭШОНОВ ШАРОФ НУРОВИЧ

**ОРОЛ БҮЙИ МИНТАҚАСИДА СУРУНКАЛИ БҮЙРАК КАСАЛЛИГИ
ТАРҚАЛГАНЛИГИ ВА УНИНГ АВЖ ОЛИШИДА ХАВФ ХАТАР
ОМИЛЛАРИНИ ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БҮЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ -2025

Фалсафа доктори (PhD) Диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2024.2.PhD/Tib4503 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат стоматология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-сахифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Даминова Камола Маратовна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Жабборов Озимбой Отаконович

ТДТУ 2-сон факультет ва госпитал терапия, нефрология ва гемодиализ кафедра мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Каримов Мирвосит Мирвосикович

Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий – амалий тиббиёт маркази, бўлим раҳбари, т.ф.д., профессор

Етакчи ташкилот:

**Республика ихтисослаштирилган
нефрология ва буйрак трансплантацияси
илмий амалий маркази**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «_____» куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-йи. Тел./факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru; Тошкент тиббиёт академияси 1-ўқув биноси мажлислар зали).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-йи. Тел./факс: (+99878)150-78-25.

Диссертация автореферати 2025 йил «_____» _____ да тарқатилди.

(2025 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

А.Г. Гадаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.А. Набиева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

А.Л. Аляви

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор, Ўз.ФА академиги

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) Диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Ҳозирги кунда сурункали буйрак касаллиги замонавий тиббиётнинг муҳим тиббий ва ижтимоий муаммосидир. Тадқиқотлар ушбу патологиянинг ижтимоий долзарб муроаммо ҳисобланган гипертония касаллиги, қандли диабет, семизик ва метаболик синдром билан тенг равишда тарқалғанлигини кўрсатмоқда (Xiao H., Guo L., Niu Y., Li S.). Буйрак шикастланиши белгиларини ёки коптоқчалар филтрацияси тезлигининг камайганлиги умумий аҳолининг камида хар ўнинчисида аниқланмоқда. Илмий тадқиқотларда “...иссиқ иқлимли давлатларда ушбу патологиянинг тез суръатларда ўсиб бораётганини келтириб ўтилган...”¹. Шу жумладан, сурункали буйрак касаллиги (СБК) ривожланишида иқлим омилларининг ўрни етарлича ўрганилмаган.

Жаҳонда, дунё олимлари, халқаро илмий ҳамжамият зиммасига улкан масъулият юкланади, чунки келажакда иқлим ўзгаришига мойиллик ва уларнинг асосий оқибатлари йўналишларини тўғри аниқлаш инсониятни бекиёс балолардан қутқаради ва қимматга тушадиган чора-тадбирларни қабул қилиш катта иқтисодий йўқотишлардан сақлаб қолади. Дунё бўйлаб мисли кўрилмаган иқлим ўзгаришлари миллиардлаб одамларнинг ҳаётига таъсир қилиши мумкин. Бундай ўзгаришлар инсон фаолиятининг деярли барча соҳаларини қамраб олади, бу эса жаҳон ҳамжамиятини чуқур ташвишга солмоқда.

Мамлакатимиз ҳудудида ҳам сўнгти 30 йилликда орол бўйи минтақасида экологик вазият жиддийлашмоқда. Ушбу минтақада аҳоли саломатлигига тасир қилувчи омиллар тез суръатларда ўсиб борди. «Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усувларини жорий қилиш, патронаж хизмати ҳамда диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалар аҳоли орасида турли даражадаги сурункали буйрак касаллигини ташхислаш ва даволашда тиббий хизмат кўрсатишни янги босқичга кўтариш ҳамда уни сифатини таъминлашда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали касалликлар асоратлари натижасида юзага келадиган ногиронлик ва ўлим кўрсаткичини камайтиришга хизмат қиласи.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-

¹Time. Chronic kidney disease is poised to become the black lung of climate change. Time Magazine, 17.08.2023.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони

санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 20 июнданги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 12 июнданги ПҚ-3846-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига нефрология ва гемодиализ ёрдами кўрсатиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-хукукий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қиласди.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Турли тадқиқот маълумотлари бизни аҳоли орасида буйрак касаллигининг нисбатан кам учрайдиган касаллик сифатида кўриш каби анъанавий тушунчани қайта кўриб чиқишини ва ушбу тоифадаги беморларга ёрдам бериш тизимини тубдан қайта қуришни тақоза қиласди. Расмий статистик маълумотларга кўра, буйрак касалликлари сабабли ўлим нисбатан паст (Centers for Disease Control and Prevention (CDC). Kidney Disease. National Center for Health Statistics (NCHS) FastStats. – URL: <https://www.cdc.gov/nchs/faststats/kidney-disease.htm>). Бу ўринбосар терапия усулларини ишлаб чиқилганлиги (диализ ва буйрак трансплантацияси), шунингдек, юрак-қон томир асоратлари буйрак функцияси бузилган беморларнинг ўлимига бевосита сабаб бўлиши (даволашнинг диализгача ва диализ босқичларида) билан боғлиқ. Сўнгти беш йилда гемодиализ муолажасини қабул қилаётган беморлар сони 25% га ортди, ва хозирги кунда улар тахминан 2 млн нафарни ташкил қиласди. Бундай беморларнинг энг кўп сони ривожланаётган мамлакатларда (С.Е. Хорошилов ва ҳамуал., 2020) қайд этилган – сўнгти 5 йил ичida уларнинг сони 50% га ортган.

Хозирги кунда оролбўйи миintaқасида сурункали буйрак касаллигининг асосий хавф омиллари ва уларнинг касаллик ривожланишидаги прогнозли аҳамияти ҳали ҳам яхши ўрганилмаган. Ушбу миintaқада сурункали буйрак касаллиги ривожланишидаги асосий хавф омилларини ва уларнинг прогнозли аҳамиятини аниқлаш ва бирламчи тиббий бўғин шифокорлари учун сурункали буйрак касаллигини эрта ташхислаш ва унинг клиник алгоритмини ишлаб чиқиши хавф юқори бўлган беморлар гуруҳини аниқлаш имконини беради. Натижада, бу сурункали буйрак касаллигининг эрта босқичларда аниқлаш ва ихтисослаштирилган муассасалар билан бирламчи тиббий бўғин орасидаги алмашинув ишини сезиларли даражада яхшилади. Бу ўз навбатида аҳолига ихтисослаштирилган нефрологик ёрдам кўрсатишда Ўзбекистоннинг жаҳон андозалари даражасида миллий тиббиёт даражасини сифат жихатидан яхшилаш учун имконият яратади.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда сурункали буйрак касаллигини эрта ташхислашнинг катта муаммоси уни бирламчи тиббий ёрдам шифокорлари томонидан аниқлашнинг самарасизлиги бўлиб қолмоқда. Бу муаммони республикамизнинг жуда кўп тадқиқотчилари ўрганмоқда, жумладан, Б.Т. Даминов, А.Г. Гадаев, А.Л. Аляви, М.А. Сабиров, К.М. Даминова, Ҳ.Б. Барноев, Н.Н. Султонов, Ш.С. Абдуллаев, О.Н. Шарапов, М.М. Каримов, Н.Ш. Ахмедова, Д.А. Эгамбердиева ва бошқаларнинг ишлари катта аҳамиятга эга бўлиб, бу нафақат даволаш ва профилактика чора-тадбирлари, балки СБКни эрта аниқлашга қаратилган диагностика тадбирлари мажмуасидир. Орол минтақасида касалликнинг ривожланишини секинлаштириш, унинг ривожланишининг олдинги босқичларини узайтириш bemорларнинг ногиронлиги ва ўлимини камайтиришга ёрдам беради. Адабиётлар таҳлилига кўра, эрта ташхис қўйиш, шунингдек, Оролбўйи минтақасида сурункали буйрак касаллигини ривожланишининг олдини олиш ва диализгача бўлган даврни узайтириш учун бирламчи тиббий ёрдам даражасида тадқиқотлар ўtkазиш зарурлиги ва мақсадга мувофиқлигини тасдиқлайди.

Диссертация тадқиқотининг у бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат стоматология институтининг илмий тадқиқот режасига мувофиқ «Сурункали буйрак касаллигида функционал-метаболик бузилишларнинг клиник патогенетик жиҳатлари ва авж олишининг терапиясини муқобиллаштириш» мавзуси доирасида бажарилган (2019-2025 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади Орол бўйи минтақасида тиббиётнинг бирламчи бўғинида сурункали буйрак касаллиги учраш сони ва унинг авж олишига таъсир этувчи хавф хатар омилларининг хусусиятлари ўрганиш.

Тадқиқот вазифалари:

Орол бўйи минтақасида бирламчи тиббий-санитария ёрдам муассасаларида сурункали буйрак касаллигининг учраш ва аниқланиш сонини ўрганиш;

Орол бўйи минтақасида бирламчи тиббий-санитария ёрдам муассасаларида сурункали буйрак касаллиги ривожланишининг ноанъянавий хавф-хатар омиллари ва уларнинг предикторлик аҳамиятини аниқлаш;

Орол бўйи минтақасида сурункали буйрак касаллиги ривожланишида аниқланган аҳамиятли хавф-хатар омиллари орасида ўзаро боғлиқликни таҳлил қилиш;

Орол бўйи минтақасида сурункали буйрак касаллиги эрта ташҳисоти алгоритмини ишлаб чиқиши.

Тадқиқотнинг обьекти сифатида Қорақолпоғистон Республикаси Нукус шахридаги кўп тармоқли марказий поликлиника ва 1 сонли оиласиий поликлиника худудларида яшовчи 500 нафар аҳолидан клиник ва лаборатор теширишлар ёрдамида ажратиб олинган 115 нафар сурункали буйрак касаллиги бўлган bemорлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида унинг гуруҳига кирган аҳолининг клиник, биокимёвий, буйрак функционал ҳолатини баҳолаш учун қон зардobi ва умумий пешоб таҳлили ҳамда асбобий комплекс текширув натижалари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумий қон таҳлили ва пешоб таҳлили, буйрак функционал ҳолатини баҳоловчи кўрсаткичлар, мочевина, креатинин ва коптоказалар фильтрацияси тезлиги, компьютер дастур (муаллифлар Собиров М.А., Даминова К.М. (12.08.21-сон DGU № 12090 гувохномаси)) ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

Орол буйи минтақаси бирламчи тиббий-санитария ёрдам муассасалари шароитида сурункали буйрак касаллигини эрта ташхислаш қуи даражада (23.1%) эканлиги ва уни ривожланишида ноанъанавий хавф омиллари инобатга олинмаганлиги аниқланган;

илк бора Орол бўйи аҳолиси орасида сурункали буйрак касаллигини ривожланишида анъанавий хавф омиллари билан бир қаторда сувнинг манбаи, инсоляция ва орол денгизига яқин ҳудудда истиқомат қилиш каби мезонлар ҳам хавф омиллари эканлиги исботланган;

Орол бўйи минтақасида аҳоли орасида сурункали буйрак касаллигини ривожланиши ва авж олишида ноанъанавий хавф омилларининг предикторлик аҳамияти асосланган;

илк бора бирламчи тиббий-санитария ёрдам муассасалари шифокорлари учун “Орол бўйи минтақасида сурункали буйрак касаллигини эрта аниқлаш алгоритми” ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:

тадқиқот давомида ҳудуда доимий яшовчи сурункали буйрак касаллиги билан оғриган ва диспансер назоратида турувчи аҳоли сони ва тадқиқотдан кейинги аниқланган bemorlar soni ўртасида катта тафовут аниқланди (23%);

Орол бўйи минтақасида бошқа ҳудудларда яшовчи сурункали буйрак касаллиги билан оғриган bemorlarдан фарқли ўлароқ ҳудудга мос хавф омиллари аниқланди, хусусан бу омилларга сув манбаи, истиқомат қилиш манзили ва орол денгизигача бўлган масофа, юқори инсоляция;

олинган натижалар асосида соғлиқни сақлашни бирламчи бўғини учун ишлаб чиқилган «Орол бўйи минтақасида сурункали буйрак касаллигини эрта аниқлаш алгоритми»дан фойдаланишнинг амалий аҳамияти исботланган бўлиб, у сурункали буйрак касаллиги билан касалланган bemorlarни аниқлаш ва ривожланишининг оддини олишда амалий аҳамияти асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг оддийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник, биокимиёвий ва статистик усуллар асосида олинган натижаларни назарий ҳамда амалий қийматларга мувофиқлиги, уларни халқаро ҳамда маҳаллий

тажрибалар билан таққосланганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Ҳудудда хавф омилларини аниқлаш орқали сурункали буйрак касаллигининг юзага келиши ва авж олишида муҳим рол ўйнайдиган экологик, ижтимоий ва тиббий омилларни очиб бериш имконини беради. Бу эса хавфни эрта баҳолаш ва олдини олиш чораларини ишлаб чиқишига имконият беради.

Аҳолини скрининг текширувларига жалб этиш заруратини асослаб беради, шу орқали сурункали буйрак касаллигини эрта босқичларда аниқлаш ва даволаш имкониятлари яратилади.

Тиббий саводхонликни ошириш бўйича мақсадли тадбирлар ишлаб чиқиш, жумладан, жамоатчиликка йўналтирилган профилактика ва маълумот тарқатиши ишларини амалга оширишни тақозо этади.

Минтақада нефрологик ёрдамни кучайтириш, гемодиализ марказлари, нефролог мутахассислар ва ташхис учун зарур бўлган асбоб ускуналар билан таъминлаш бўйича соғлиқни сақлаш ташкилотларига аниқ таклифлар бериш имконини яратади.

Тадқиқот натижалари сурункали буйрак касаллигига қарши ҳудудий соғлиқни сақлаш сиёсатини шакллантиришда, хусусан профилактика, ташхислаш ва даволаш протоколларини қайта кўриб чиқишида асосий манба бўлиб хизмат қиласи.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Орол бўйи минтақасида тиббиётнинг бирламчи бўгинида сурункали буйрак касаллиги тарқалганлиги ва унинг авж олишига таъсир этувчи хавф хатар омилларининг хусусиятлари ўрганиш орқали касалликни авж олишини олдини олиш бўйича олинган натижалар асосида:

Биринчи илмий янгилик: Орол бўйи минтақаси бирламчи тиббий-санитария ёрдам муассасалари шароитида сурункали буйрак касаллигини эрта ташхислаш қуи даражада (23.1%) эканлиги ва касалликни ривожланишида ноанъанавий хавф омиллари инобатга олинмаганлиги аниқланганлиги ҚҚР Кўнгирот тумани 26-сонли ойилавий поликлиникаси 11.02.2025 йилдаги №17-сонли буйруғ ва 24-сонли ойилавий поликлиникаси 11.02.2025 йилдаги №21-сонли буйруклари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий техник кенгашининг 20.06.2025 йилдаги 20-сон хulosasi). *Ижтимоий самарадорлиги:* Орол бўйи минтақасида бирламчи бирламчи тиббий-санитария ёрдам муассасаларида bemorlarда сурункали буйрак касаллигини ўз вақтида аниқлаш унинг ривожланишини секинлаштиради ва оқибатларини енгиллаштиради. *Иқтисодий самарадорлиги:* Орол бўйи минтақасида бирламчи тиббий-санитария ёрдам муассасаларида сурункали буйрак касаллигини эрта ташхислаш касаллик кечиши прогнозланади ва у билан нохуш оқибатларни олди олиниб bemorlarни жорий нефрологик бўлимларида стационар даво олиш частотасини камайтириб уларни ижтимоий фаоллигини сақлаш имконини берган. *Хулоса:* Орол бўйи минтақасида бирламчи тиббий-санитария ёрдам

муассасаларида сурункали буйрак касаллигини эрта аниклаш унинг кечиши прогнозланади, авж олишини узайтиради ва диализгача булган вақтни узайтириб беради ва у билан нохуш оқибатларни олди олининб беморларни жорий нефрологик бўлимларида стационар даво олиш частотасини камайтириб уларни ижтимоий фаоллигини сақланиши имконини берган.

иккинчи илмий янгилик: илк бора Орол бўйи аҳолиси орасида сурункали буйрак касаллигини ривожланишида анъанавий хавф омиллари билан бир қаторда сувнинг қаттиқлиги, инсоляцияси ва денгиздан узоқда истиқомат қилиши каби мезонлар ҳам хавф омиллари эканлиги исботланганлиги ҚҚР Кўнғирот тумани 26-сонли ойилавий поликлиникаси 11.02.2025 йилдаги № 17-сонли буйруғ ва 24-сонли ойилавий поликлиникаси 11.02.2025 йилдаги № 21-сонли буйруклари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 20.06.2025 йилдаги 20-сон хulosаси). Ижтимоий самарадорлиги: беморларда Орол бўйи минтақсида сурункали буйрак касаллиги ривожланишига олиб келувчи ноананавий хавфхатар омилларининг таъсирини урганиш унинг эрта ташхислашни ва шу билан бирга авж олишини секинлаштиради ва оқибатларини енгиллаштиради. Иқтисодий самарадорлиги: Орол бўйи минтақсида сурункали буйрак касаллиги ривожланишига олиб келувчи ноананавий хавфхатар омилларининг таъсирини инобатга олган холда, булардан сув қаттиқлиги, истиқомат қилиш манзилини орол денгизигача бўлган масофа, эрта ташхислаши фонида касаллик фаоллиги пасайиши, авж олишини камайиши ва унинг нохуш оқибатларни олди олининб беморларни жорий нефрологик бўлимларида стационар даво олиш частотасини камайтириб уларни ижтимоий фаоллигини сақлаш имконини берган. Хулоса: сурункали буйрак касаллигига ноанъанавий хавф хатар омилларни инобатга олиб касаллик фаоллигини ишончли камайиши фонида буйрак функцияси мувофиқлаштириш билан буйрак етишмовчилиги оқибатларини олди олининб беморларни жорий нефрологик бўлимларида стационар даво олиш сонини камайтириб уларни ижтимоий фаоллигини сақланиши имконини берган.

учинчи илмий янгилик: Орол бўйи минтақасида аҳоли орасида сурункали буйрак касаллигини ривожланиши ва авж олишида ноанъанавий хавф омилларининг предикторлик аҳамияти асосланганлиги ҚҚР Кўнғирот тумани 26-сонли ойилавий поликлиникаси 11.02.2025 йилдаги №17-сонли буйруқ ва 24-сонли ойилавий поликлиникаси 11.02.2025 йилдаги №21-сонли буйруклари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 20.06.2025 йилдаги 20-сон хulosаси). Ижтимоий самарадорлиги: Орол бўйи минтақасида Сурункали буйрак касаллиги ривожланишида ананавий омиллар билан бирган ноананавий хавф хатар омилларни кучли бөгликлигини инобатга олиш беморларда касалликнинг эрта ташхислаш, нохуш оқибатларни олдини олиш билан беморларни ҳаёт сифатини яхшиланиши таъминланган. Иқтисодий самарадорлиги: Орол бўйи минтақасида Сурункали буйрак касаллиги ривожланишида ананавий омиллар билан бирган ноананавий хавф хатар

омилларни бахолаш сурункали буйрак касаллигини авж олишини олдини олиш билан беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш орқали уларни жорий нефрологик бўлимларида стационар ётиш частотасини камайтириб уларни ижтимоий фаоллигини сақлаш имконини берган. Хулоса: Орол бўйи минтақасида Сурункали буйрак касаллиги ривожланишида ананавий омиллар билан бирга ноананавий хавф хатар омилларни кучли боғликлигини инобатга олиш эрта ташхислаш, касаллик фаоллиги камайиши ва уларни диализгача бўлган даври узайтирилиши, шунингдек диализга мухтожлар сони камайиши имконини берган.

тўртинчи илмий янгилик: илк бора бирламчи тиббий-санитария ёрдам муассасалари шифокорлари учун “Орол бўйи минтақасида сурункали буйрак касаллигини эрта аниқлаш алгоритми” ишлаб чиқилганлиги ҚҚР Қўнғирот тумани 26-сонли ойилавий поликлиникаси 11.02.2025 йилдаги № 17-сонли буйруғ ва 24-сонли ойилавий поликлиникаси 11.02.2025 йилдаги № 21-сонли буйруклари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий техник кенгашининг 20.06.2025 йилдаги 20-сон хулоаси). Ижтимоий самарадорлиги: Орол бўйи минтақасида бирламчи тиббий-санитария ёрдам муассасалари шифокорлари “Сурункали буйрак касаллиги ривожланишини эрта ташхислаш ва олдини олиш бўйича алгоритм ва маҳсус сўровнома”ни қўллаши сурункали буйрак касаллигини эрта ташхислаши ва авж олишини секинлаштириб беморларни диализгача бўлган даври узайтирилиши, шунингдек диализга мухтожлар сони камайиши таъминланган. Иқтисодий самарадорлиги: Орол бўйи минтақасида бирламчи тиббий-санитария ёрдам муассасаларида сурункали буйрак касаллиги ривожланишини эрта ташхислаш ва олдини олиш бўйича алгоритм ва маҳсус сўровномани нефрология амалиётига тадбиқ қилиниши касаллигининг турли босқичларида буйрак этишмовчилиги ривожланиш хавфини прогнозлаш имконини бериб унинг нохуш асоратларини олдини олиб авж олишини секинлаштириш билан даво самарадорликни ошириши туфайли беморларнинг меҳнатга лаёқатсизлик муддатини қисқаришини ҳисоблаш орқали 4237620 сўм маблағ тежаб қолиниши билан даволаш усули самараси аниқланди. Хулоса: Орол бўйи минтақасида бирламчи тиббий бўғинида алгоритм ва маҳсус сўровномани қўллаш сурункали буйрак касаллигини авж олишини секинлаштириб беморлар ҳаёт сифатини яхшилаши ва уларни диализгача бўлган даври узайтирилиши, шунингдек диализга мухтожлар сони камайиши имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 10 та илмий анжуманларда муҳокама қилинган, жумладан 4 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 5 илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий

илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда **5** та мақола, жумладан, **4** таси республика ва **1** таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми **107** бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарбилиги ва аҳамияти, ушбу илмий ишга бўлган талаб асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот обьекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатилган, унинг илмий янгилиги ҳамда амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар, диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Адабиётлар шархи. Сурункали буйрак касаллигининг тиббий ва ижтимоий аҳамияти**» деб номланган биринчи бобида мавзунинг ёритища маҳаллий ва хорижий адабиётларнинг шарҳи, сурункали буйрак касаллигининг тарқалиши, ижтимоий-иктисодий, маънавий ва майший соҳаларга таъсир кўлами умумжахон эътирофида акс эттирилган, шунингдек, ташхислашнинг замонавий усуллари касалликнинг ривожланишига бўлган таъсири ҳақида ёритилган. Шу билан бирга, мазкур муаммо бўйича шу даврга қадар олиб борилган илмий ишлар маълумотлари тақдим этилган, шунингдек, мазкур муаммонинг илмий жиҳатдан ҳал этилишининг муаллифлик ёндашуви ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот материали ва услублари. Тадқиқотга олинган беморларнинг умумклиник тавсифи ва тадқиқот дизайни**» деб номланган иккинчи бобида обьектлар ва тадқиқот усуллари, шунингдек қўлланиладиган статистик усуллар тавсифланган. Тадқиқотлар Тошкент давлат стоматология институти 2-сон терапевтик йўналишдаги фанлар кафедраси негизида 2022-2024 йиллар давомида олиб борилди.


Нукус шаҳридаги кўп тармоқли марказий поликлиника ва 1 сон шахар поликлиникасига мурожаат қилган беморларга маҳсус сўровнома тарқатилди ва улар ўрганиб чиқилди. Иш бир неча босқичларида амалга оширилди. Биринчи босқичда бирламчи тиббий-санитария ёрдам муассасаларида 500 нафар мурожаат қилган амбулатор беморлар ўрганилди, ва маҳсус компьютер дастури асосида (муаллифлар М.А. Собиров, К.М. Даминова (12.08.21-сон DGU № 12090 гувоҳномаси)) улардан 115 (23%) сурункали буйрак касаллигининг II-IV босқичлари билан касалланган беморлар аниқланди. Иккинчи босқичнинг асосий вазифалари қуидагилардан иборат эди: сурункали буйрак касаллиги билан оғриган беморларни аниқлаш, анъанавий ва ноанъанавий хавф омилларининг мавжудлиги, эрта ташхис қўйиш ва Соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинида олдини олиш учун сурункали буйрак касаллиги ривожланишига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш билан кузатилган беморларни клиник ва лаборатор текшируви. Тадқиқотнинг учинчи босқичида натижалар уларнинг башоратли аҳамиятини аниқлаш учун беморлар назорат қилинди.

Диссертация иши 25 ёшдан 65 ёшгача бўлган 115 киши, 65 та эркак (56.52%) ва 50 та (43.48%) аёлнинг амбулатор карталаридаги клиник ва лаборатор маълумотлар натижаларига асосланди. Беморларда сурункали буйрак касаллиги хавфини баҳолаш учун буйрак функциясининг асосий даражасига қараб, bemorни текшириш маълумотларини қиёсий таҳлил қилиш, буйрак функцияси динамикасини баҳолаш, юрак ишемик касаллиги ва ўлим ҳолатларини таҳлил қилиш ўтказилди, bemorлар 2012й. KDIGO бўйича сурункали буйрак касаллиги ҳҚФТ даражасига кўра таққослаш гурухларига бўлинган: Олинган натижаларга кўра, bemorлар сурункали буйрак касаллиги босқичига қараб 4 та клиник гурухга: II, IIIA, IIIB, IV бўлинган.

Тадқиқотга олинган гурухлардаги bemorларда анъанавий хавф омиллари билан бир қаторда ноанъанавий хавф омиллари (сув манбаи, инсолиция таъсирини давомийлиги, Орол денгизига яшаш масофа) ҳам аниқланди, бундан ташқари умумклиник, лаборатор ва асбобий текширувлар ўтказилди ва солиштирилди. Олинган натижалар статистик таҳлил қилинди.

Диссертациянинг «Хусусий текширув натижалари. Орол бўйи минтақасида сурункали буйрак касаллиги учраш сони ва хавф омилларнинг хусусиятлари» деб номланган учинчи бобида Орол бўйи минтақасида сурункали буйрак касаллиги учраш сонини ва хавф омиллари хусусиятлари курсатилди. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги берган расмий маълумотга кўра Қорақалпоғистон Республикасида сурункали буйрак касаллигининг 2024-йилга келиб умумий сони 620 нафарни ташкил этган. Умумий ахоли сони 1,923,734 нафар эканлигини инобатга олсак сурункали буйрак касаллиги умумий ахоли сонига нисбатан 0.032% ни ташкил этади. Жумладан Нукус шаҳрида сурункали буйрак касаллиги билан оғриган bemorлар сони 39 та шаҳар аҳолисининг умумий сонига нисбатан бу кўрсаткич 0.012% ни ташкил этмоқда, гемодиализ қабул қиладиган bemorлар сони 29 та бўлиб, ушбу кўрсаткич шаҳар аҳолисининг умумий сонига нисбатан 0.009% ни ташкил этади. Умумий ахоли сонига нисбатан сурункали буйрак касаллиги учраш сони 0.0035% эканлигини кўриш мумкин. Ушбу кўрсаткичлар бизга маълум сурункали буйрак касаллиги учраш сонидан жуда пастлигини асослайди. Бизнинг тадқиқотимизда худудда жойлашган бирламчи тиббий-санитария ёрдам муассасалари шароитида 500 нафар мурожаат қилган аҳолидан клиник-лаборатор текширувлар асосида 115 нафар сурункали буйрак касаллиги бор bemor тадқиқотимизга танлаб олинди. Шу билан бирга, bemorлар KDIGO 2012 бўйича сурункали буйрак касаллиги ҳҚФТ тоифаси бўйича 4 та таққослаш гурухига бўлинди: биринчи клиник гурух – сурункали буйрак касаллиги II босқичли (ҳҚФТ 60-89 мл/мин./1.73m²) 37 нафар bemor, иккинчи клиник гурух – сурункали буйрак касаллиги IIIa (ҳҚФТ 45-59 мл/мин./1.73m²) босқичли 38 нафар bemor, учинчи клиник гурух – сурункали буйрак касаллиги IIIb (ҳҚФТ 30-44 мл/мин./1.73m²) босқичдаги 27 нафар bemor, тўртинчи клиник гурух – сурункали буйрак касаллиги IV (ҳҚФТ 30-15

мл/мин/1,73 m^2) босқичдаги 13 нафар бемор. Буйрак функциясини аниқлаш жараёнида креатинин, мочевина, умумий пешоб таҳлилини ўрганилди. Шунинг учун бирламчи тиббий-санитария ёрдам муассасаларида сурункали буйрак касаллигининг ташхиси кам.



1-расм. Беморларнинг коптоқчалар филтрация тезлиги даражасига кўра тақсимланиши.

Текширувларимизда ҳатто IV босқичли bemорга ҳам (ҳКФТ 30-15 мл/мин/1,73 m^2) ўз вақтида ташхис қўйилмаганлиги аниқланди. Бу сурункали буйрак касаллиги ривожланишининг бошқариладиган, бошқарилмайдиган хавф омилларини ва худудга мос бўлган маҳсус хавф омилларини аниқлашга қаратилган кейинги тадқиқотлар учун асос бўлиб хизмат қилди. Тадқиқот гуруҳига асосий касаллиги турлича бўлган ва сўровнома натижасига кўра 23 баллдан юқори балл олган (энг юқори балл 60), лаборатор-инструментал текширувлардан кейин сурункали буйрак касаллиги ташхиси тасдиқланган bemорлар киритилган, улар асосида бирламчи тиббий-санитария ёрдам муассасаларида сурункали буйрак касаллиги диагностикаси сифати ҳам ўз ўрнида баҳоланди.

Сурункали буйрак касаллигига олиб келадиган асосий касалликлар: диабетик нефропатия — 34,78% (n=40), юрак қон-томир касалликларига боғлиқ буйрак шикастланиши — 26,96% (n=31), сурункали гломерулонефрит — 17,39% (n=20), ҳамда бириктирувчи тўқима тизимли касалликларида буйракларнинг зарарланиши — 13,91% (n=16) ташкил этди. Шунингдек, буйрак тош касаллиги 31,3% (n=36) ва сурункали пиелонефрит 33,91% (n=39) касалликлари ҳам ўрганилаётган худудда юқори улуш билан қайд этилган бўлиб, бу касалликлар Орол бўйи минтақасида сурункали буйрак касаллиги ривожланишида муҳим этиологик омиллар эканлигини қўрсатади. Қолган ҳолатлар, жумладан, сабабсиз пешоб таҳлилларидағи ўзгаришлар (9,7%), буйраклар полкистози (8,7%) ва бошқа кам учрайдиган касалликлар сурункали буйрак касаллиги ривожланишида нисбатан паст фоизни ташкил этди. Олинган натижалар шуни кўрсатадики, сурункали буйрак касаллигини

эрта аниқлашда қандли диабет, юрак-қон томир касалликлари, буйрак тош касаллиги ва пиелонефрит каби касалликлари бор беморлар алоҳида назоратга олиниши зарур. Бундай таҳлилий ёндашув соғлиқни сақлаш тизимида профилактик чораларни режалаштириш ва мақсадли гурухларни аниқлашда муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқот гуруҳига киритилган барча беморларда бошқарилмайдиган ва бошқариладиган анъанавий хавф омиллари ўрганилди. Бошқаридиган хавф омилларининг 56,52 фоизини эркак жинси, 26,96 фоизини кекса беморлар (60 ёшдан ошган) ташкил етди, ўртача ёши $46,18 \pm 3,4$ ёшни ташкил етди, беморларнинг 73,91 фоизида салбий наслий мойиллиги мавжудлиги аниқланди.

Адабиётларга кўра, сурункали буйрак касаллиги ривожланишида бошқариладиган хавф омиллари муҳим рол ўйнайди. Назорат қилинадиган хавф омиллари орасида энг катта улуш анамнезда қандли диабет бўлганлиги - 34,78%, ушбу ҳолат шуни англатадики, қандли диабет сурункали буйрак касаллиги ривожланишида етакчи омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Бундан ташқари, 51,3% беморда турли оғирликдаги артериал гипертензия, турли даражадаги камқонлик – 27,8% аниқланган. Шунингдек, тадқиқот натижаларига кўра беморларнинг 58,26% (n=67) ностероид яллиғланишга қарши воситаларни, 62,61% (n=72) эса антибиотикларни назоратсиз ва шифокор кўрсатмасиз қабул қилганлиги аниқланган. Бундан ташқари, сурункали инфекция ўчоқларининг мавжудлиги ҳам кенг тарқалган бўлиб, 66,1% (n=76) ҳолатда тиш кариеси, 56,5% (n=65) ҳолатда сурункали тонзиллит аниқланган.

Беморлари таҳлили натижалари шуни кўрсатадики, сурункали буйрак касаллиги ривожланишида дори воситаларининг нотўғри қўлланилиши, оғиз бўшлиғи билан боғлиқ сурункали инфекция ўчоқлари ва ҳомиладорлик билан боғлиқ нефропатиялар ҳам хавф омиллари бўлиб қолмоқда. Ушбу омилларнинг кенг тарқалганлиги уларни эрта аниқлаш, назорат қилиш ва профилактик ёндашувларни кучайтириш зарурлигини тақозо этади.

Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ Орол бўйидаги экологик вазият муаммоси ҳаммага маълум. Минтақанинг экологик ўзига хослиги сурункали буйрак касаллигининг ноанъанавий хавф омиллари сифатида ўрганилди. Бизнинг тадқиқотимизга эса ушбу вазият ноанъанавий хавф омиллари билан сурункали буйрак касаллиги учраш сони ва ривожланиши ўртасидаги муносабатни ўрнатишга туртки бўлди. Биринчи ўринда минтақадаги сув манбаи ўрганилди, инсолация таъсирининг давомийлиги, Орол денгизидан истихомат қилиш узоклилиги ва Орол бўйи ҳудудида яшаш давомийлигига ҳам эътибор берилди. Ноанъанавий омилларнинг таъсирини таҳлил қилиш мақсадида экологик омиллар белгиланган тоифаларга ажратилди ва тақсимланиши 2 жадвалда келтирилди.

1-жадвал. Сурункали буйрак касаллиги босқичлари ва ноанъанавий хавф омиллари бўйича тақсимоти

Ноанъанавий омиллар	Үлчов бирлиги	Жами бемор n=115	СБК II n (%)	СБК IIIА n (%)	СБК IIIБ n (%)	СБК IV n (%)
Яшашж ойидан орол денгизи гача бўлган масофа (км)	0-100 км	59	5 (8.5%)	12(20.3%)	22(37.3%)	20(33.9%)
	200-300 км	33	10(30.3%)	13(39.4%)	6(18.2%)	4(12.1%)
	300+ км	23	8(34.8%)	9(39.1%)	4(17.4%)	2(8.7%)
	Сув манбай	Қудуқ суви	39	10(25,6%)	12(30,8%)	7(17,9%)
		Ичимлик суви	33	11(33,3%)	12(36,4%)	6(18,2%)
		Артезиан ёки филтрланган сув	43	13 (30,2%)	14 (32,5%)	9 (20,9%)
	Инсоляциянинг таъсирি	6 соатдан кўп очиқ ҳавода бўлиш	64	16 (25,0%)	16 (25,0%)	16 (25,0%)
		6 соатдан кам очиқ ҳавода бўлиш	51	17 (33,3%)	17 (33,3%)	9 (17,6%)
Орол бўйи худудид а яшаш давомийлиги (йил)	5-10 йил	18	3 (16.7%)	2 (11.1%)	3 (16.7%)	10 (55.6%)
	10 йилдан ортиқ	97	17 (17.5%)	25 (25.8%)	24 (24.7%)	31 (31.9%)

Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдик, Орол денгизи қуриши билан боғлиқ экологик ҳолат яқин ҳудудларда яшовчи аҳолига катта таъсир кўрсатмоқда. Сувнинг шўрланиши ва ифлосланиши, ҳавога заарли туз ва чанг заррачаларининг тарқалиши инсон организмига салбий таъсир қилиб, сурункали буйрак касалликларининг асосий ноанъанавий сабабларидан бирига айланмоқда. Шу сабабли аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, бирламчи тиббий хизмат самарадорлигини ошириш ва сурункали буйрак касаллигини эрта ташхислаш масалалари энг долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Диссертациянинг «**Орол бўйи минтақасида сурункали буйрак касаллиги, анъанавий ва ноананавий хавф омиллари орасида корреляцион боғлиқлик**» деб номланган тўртинчи бобида сурункали буйрак касаллиги билан оғриган беморлардан олинган натижалар таҳлил қилинди ва статистик ҳисоблаш ва математик таҳлил меъзонлари асосида хавф омилларининг ўртасидаги корреляция боғлиқларни аниқланди. Шунингдек, корреляция таҳлилидан фойдаланиб, ўрганилаётган ҳудудда сурункали буйрак касаллигини тавсифловчи хусусиятлар ўртасидаги ўртacha ёки юқори корреляцияга мос келадиган коеффициентлар олинди ва натижалар қуидагича бўлди.

2-жадвал. Орол бўйи минтақасида ноананвий хавф омиллари ва сурункали буйрак касаллигили bemорларнинг баъзи кўрсаткичлари билан кореляция коефиценти

Кўрсаткичлар	Ёш		Жинс		Инсоляция даражаси		Яшаш манзилининг Орол денгизидан узоқлиги			Сув манбаи			Орол бўйи худудида яшаш давомийлиги	
	Ёш ≥48	Ёш <48	Жинс (эркак)	Жинс (аёл)	Очиқ жойда ≥6 соатдан ортиқ бўлиш	Очиқ жойда <6 соатдан ортиқ бўлиш	Оролдан 100 км	Оролдан 100–200 км	Оролдан ≥300 км	Қудук суви	Ичимлик суви	Филтрлабиган сув	Яшаш 5–10 йил	Яшаш >10 йил
Суткалик протеинурия (г/24 соат)	0,69	0,31	0,45	0,25	0,51	0,35	0,64	0,38	0,22	0,71	0,53	0,12	0,31	0,56
Креатинин (мкмоль/л)	0,56	0,22	0,53	0,2	0,53	0,24	0,57	0,31	0,25	0,62	0,26	0,14	0,41	0,57
Мочевина (ммоль/л)	0,54	0,23	0,51	0,22	0,56	0,28	0,55	0,31	0,21	0,59	0,36	0,21	0,48	0,61
хКФТ (мл/мин/1,73 м ²)	- 0,71	- 0,31	- 0,48	-0,21	-0,58	-0,32	-0,72	-0,58	-0,22	-0,64	-0,49	-0,19	-0,39	- 0,62
Гемоглобин г/л	0,34	0,22	0,33	0,52	0,31	0,28	0,48	0,35	0,24	0,61	0,52	0,23	0,44	0,54
БПК (мм)	0,52	0,21	0,5	0,24	0,48	0,24	0,56	0,32	0,22	0,46	0,27	0,18	0,35	0,56
МАУ (мг/л)	0,67	0,29	0,43	0,23	0,49	0,33	0,61	0,34	0,2	0,68	0,51	0,11	0,28	0,56

Сурункали буйрак касаллиги билан боғлиқ демографик ва экологик омиллар — ёш (≥ 60 ёш), жинс (эркак), инсоляция (очиқ жойда ≥ 6 соат), Орол денгизидан узоқлик (≥ 100 км), сув қаттиқлиги, шунингдек Орол бўйи худудида яшаш давомийлиги (5–10 йил ва 10 йилдан ортиқ) — билан буйрак ҳолатини акс эттирувчи лаборатор кўрсаткичлар (суткалик протеинурия, креатинин, мочевина, коптокчалар филтрация тезлиги, гемоглобин, буйрак паренхима қавати, микроалбуминурия) ўртасидаги корреляция таҳлили ўтказилди. Тадқиқот натижаларига кўра, буйрак паренхима қавати кўрсаткичи турли демографик ва экологик омиллар билан қўйидаги даражада боғланган: Энг кучли ижобий боғланишлар Оролдан 100 км масофада яшаш ($r = 0,56$) ва 10 йилдан ортиқ истиқомат қилиш ($r = 0,56$) билан аниқланди. Бу ҳолатлар паренхима қалинлиги узоқ муддатли экологик таъсир ва яқин худудда яшаш билан кўпроқ боғлиқлигини кўрсатади. Умуман олганда, олинган натижалар буйрак паренхима қалинлиги кўрсаткичига Оролбўйи худудида узоқ муддатли яшаш ва экологик омиллар, айниқса сувнинг манбаи ва Оролга яқин масофада истиқомат қилишнинг салмоқли таъсирини тасдиқлайди.


Тадқиқот натижаларига кўра, гемоглобин кўрсаткичи турли демографик ва экологик омиллар билан турлича даражада боғлангани аниқланди. Энг қучли ижобий боғланиш қудук сувидан фойдаланиш ($r = 0,61$) омилларида кузатилди. Шунингдек, 10 йилдан ортиқ истиқомат қилиш ($r=0,54$) ва ичимлик сувидан фойдаланиш ($r=0,52$) омиллари ҳам гемоглобин кўрсаткичи билан ўртача даражада боғланганлиги аниқланди. Ўртача корреляцияга эга омиллар қаторига Оролдан 100 км масофада истиқомат қилиш ($r=0,48$), очиқ жойда ≥ 6 соат бўлиш ($r=0,31$).

Тадқиқот натижаларига кўра, креатинин кўрсаткичи турли демографик ва экологик омиллар билан турлича даражада боғланганлиги аниқланди. Энг қучли боғланиш қудук сувидан фойдаланиш ($r=0,62$), Оролдан 100 км масофада истиқомат қилиш ($r=0,57$) ва 10 йилдан ортиқ истиқомат қилиш ($r=0,57$) омилларида кузатилди. Шунингдек, ёш ≥ 48 ёш ($r=0,56$), эркак жинси ($r=0,53$) ва очиқ жойда ≥ 6 соат бўлиш ($r=0,53$) омиллари ҳам креатинин кўрсаткичи билан ўртача даражада боғланганлиги аниқланди.

Ҳисобланган коптокчалар фильтрация тезлиги кўрсаткичини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатди, айрим демографик ва экологик омиллар бу кўрсаткичга салбий таъсир кўрсатади.

Энг катта салбий боғланишлар Оролдан 100 км масофада истиқомат қилиш ($r=-0,72$), ёш ≥ 48 ёш ($r=-0,71$) ва ўрганилаётган худудда 10 йилдан ортиқ истиқомат қилиш ($r=-0,62$) омилларида қайд этилди. Бу ҳолатлар ушбу омиллар таъсирида ҳисобланган коптокчалар фильтрация тезлигига сезиларли пасайиш бўлиши мумкинлигини англаатади. Шу билан бирга, қудук сувидан фойдаланиш ($r=-0,64$), очиқ жойда ≥ 6 соат бўлиш ($r=-0,58$), омилларида ҳам ўртача салбий таъсир кузатилди.

Демак, ҳисобланган коптокчалар фильтрация тезлиги узоқ муддатли экологик таъсиrlар, ёш катталashiши ва қаттиқлиги юқори бўлган сув истеъмол манбалари таъсирида анча пасайиши мумкин. Бу эса сурункали буйрак касаллигининг ривожланиш ва прогрессия жараёнида ушбу омилларнинг аҳамиятли ролини тасдиқлайди.



2-расм. Коптоқчалар филтрация тезлигининг корреляция қийматлари

